

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*Республика урта тиббиёт ва фармасевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Жиззах филиали*

**Мухторова Махфиратхон Хасановна** уқитувчи

**Хамидова Шаходат**, уқитувчи

**Аннотация;** *Мазкур мақолада замонавий педагогик технологиялар асосида таълим жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган асосий ўқитиш усуллари ва технологияларига эътибор қаратилади. Замонавий таълимнинг асосий мақсади - талабаларнинг ўқув ва ижодий фаоллигини ошириш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологиялардан фойдаланишидир. Мақолада интерфаол усуллар, ижодий топшириқлар, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа замонавий педагогик ёндашувлар кўриб чиқилади. Шунингдек, мақолада педагогик жараённи ахлоқий-шахсий йўналтирилганликка таянувчи усуллар ва педагогик жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган турли ёндашувлар ҳақида маълумот берилган.*

**Калит сузлар;** *Замонавий педагогик технологиялар, Интерфаол усуллар/методлар, Ижодий фаоллик Самарадорлик, Кичик гуруҳларда ишлаш, Ахлоқий-шахсий йўналтирилганлик, Биригаликда ҳамкорлик, Билимни ўзлаштириш, Физиологик-психологик имкониятлар, Маълумотларни сақлаш, Фаолиятга татбиқ этиш, Таълим-тарбия жараёни, Ривожланган мамлакатлар тажрибаси, Машгулотларнинг инновацион ташкили, Таълимда интерактивлик*

### КИРИШ

Бугунги кунда таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда билим олувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш бўйича катта тажриба тўпланган. Интерфаол методлар мазкур жараённинг марказий бўғинини ташкил этади. Талабаларнинг таълим жараёнида фаол иштирок этиши ва уларнинг билими самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий педагогик технологияларни қўллаш муҳим эканлиги туфайли, ушбу мақолада таълим жараёнини интерфаол методлар асосида ташкил этишнинг асосий йўллари ва усуллари таҳлил қилинган.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда билим олувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда. Замонавий

шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли - бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Интерфаоллик таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил қилиш лаёқатига эгалликларидир. Америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра, шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10%; маълумотни эшитганида 20%; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганида 30%; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50%; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намойиш этганида) 80%; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90% ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга.

Шунга кўра интерфаол ўқитиш “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари - ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгаллик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи - ўқувчи - ўқувчилар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, рухий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади”. “Интерфаол” тушунчаси инглизча «Interact» («Inter»- “биргаликда» «act» “таъсир қилиш”) маъносини англатади. Бундан чиқадики, “интерфаол усуллар” деганда талабаларнинг ўзаро таъсири тушунилади. “Интерфаол ўқитиш усули” ўқитиладиган талабаларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиш шаклини кўрсатади. Интерфаол усулнинг моҳияти ҳамма талабалар ва ўқитувчининг ўзаро таъсиридан иборат.

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бош асоси таълим тизими бўлиб, унинг устувор ва ҳаракатлантирувчи кучи янги билимларни ўзлаштириш мативацияси ривожланган, мустақил ва ижодий фикрлайдиган ҳамда ижтимоий-касбий фаолият юритишга қодир бўлган шахслардир. Шунинг учун ҳам XXI аср шахсини шакллантириш жараёнини жадаллаштириш асри бўлиб, Республикамизда кадрлар тайёрлашни ривожлантириш стратегияси жамият ва давлатнинг малакали рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжини таъминлашни кўзда тутди.

Олий таълим тизими ривожланишининг муҳим вазифалари қаторида, илғор инновацион педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига жорий этиш куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳар бир компетентли ўқитувчининг ўқитишнинг замонавий технологияни ўзлаштириш ўз йўли ва услуби мавжуд бўлиб, айрим педагоглар ўз дидактик воситаларини ишлаб чиқишга уриниб кўрмоқдалар, уларнинг юқори чуққуси эса ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Кўйида таълим тизимида қўлланилиб келинаётган ўқитиш усул ва технологияларининг руйҳатини келтириб ўтилади. Хусусан:

Асосий педагогик усул ва технологиялар.

1. Анъанавий таълим (синф-дарс шакли, монологик, ахборотни узатишнинг бир томонлама йўналтирилган схемаси).

2. Интерфаол усуллар.

3. Ноанъанавий усуллар.

4. Таълим технологиялари.

5. Таълим йўналишлари бўйича таълим технологиялари.

6. Педагогик жараёни ахлоқий-шахсий йўналтирилганликка таянувчи педагогик усуллар.

7. Муаммоли таълим.

8. Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкиллаштиришга асосланган педагогик усуллар.

9. Дидактик малака ошириш ва материални реконструкция қилиш асосидаги педагогик усуллар.

10. Муқобил усуллар.

Талабалар томонидан бажариладиган интерфаол машғулотлар ва топшириқлар интерфаол ёндашувларнинг ўзагини ташкил этади. Интерфаол машғулот ва топшириқларнинг анъанавий машғулот ва тошириқлардан фарқи шундаки, улар ўрганилган материални мустаҳкамлашга ва янгисини ўрганишга талабалар фаоллигини кўзда тутди.

Замонавий педагогика интерфаол ёндашувларнинг бир бутун захирасига бой бўлиб, уларнинг муҳимлари қуйидагилар:

- ижодий топшириқлар;

- кичик гуруҳларда ишлаш;

- ўрганувчи таълим ўйинлари (ролли, имитация, ишбилармонлик ва таълим ўйинлари);

- жамоатчилик ресурсларидан фойдаланиш (мутахассисни таклиф этиш, экскурсиялар);

- ижтимоий лойиҳалар ва таълимнинг бошқа аудиториядан ташқари усуллари (ижтимоий лойиҳалар, мусобақалар, радио ва газеталар, фильмлар, спектакллар, кўргазмалар, тақдимотлар, кўшиқлар ва эртаклар);

- чигил ёзди машқлар;

- янги материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш (интерфаол маъруза, кўргазмали куруллар, видео ва аудиоматериаллар билан ишлаш, „Талаба ўқитувчи ўрнида“);

- мураккаб ва баҳсли масалаларни ва муаммоларни муҳокама қилиш;
- муаммолар ечими („Ечимлар дарахти“, „Ақлий хужум“).

Шулардан иккитасини мисол тариқасида келтириб ўтиш ўринли ҳисобланади.

Ижодий топшириқлар. Ижодий топшириқлар деганда, биз талабалардан ижодкорликни талаб қилувчи, бир нечта ёндашувларга эга бўлган, таркибидан номаълум катта ёки кичик элементлардан иборат топшириқлар мажмуасини тушунамиз. Ижодий топшириқ ҳар қандай интерфаол усулнинг мазмуни, асосини ташкил этади. Ижодий топшириқ (айниқса, амалий ва талаба ҳаётига яқин) таълим жараёнига маъно бағишлайди, талабаларни ижодкорликка ундайди. Ижодий топшириқлардаги жавобнинг номаълумлиги ва талабанинг шахсий тажрибаси ва ўз ҳамкори, дусту тажрибасига асосланган ўзининг шахсий „Тўғри“ ечимини топиш имконияти, таълим жараёнининг барча иштирокчилари ҳамда педагогнинг ҳамкорлиги талабаларга мулоқоти учун пойдевор яратишга имконият беради. Ижодий топшириқларни танлаш педагог учун муҳим ҳисобланиб, қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- ягона мураккабликдаги жавоб ёки ечимга эга бўлмаслиги;
- талабалар учун амалий ва фойдали бўлиши;
- талабалар ҳаётига боғланган бўлиши;
- талабаларда қизиқиш уйғотадиган бўлиши;
- таълим мақсадларига имкон қадар хизмат қиладиган бўлиши лозим.

Агар талабалар ижодий топшириқлар билан ишлаб ўрганмаган бўлсалар, аввал оддий топшириқларни, кейин эса тобора мураккаблашиб борадиган топшириқларни танлаш лозим бўлади.

Кичик гуруҳларда ишлаш. Кичик гуруҳларда ишлаш - бу энг оммабоп стратегиялардан бири бўлиб, у барча талабаларни топшириқни бажаришда иштирок этишга, ҳамкорлик малакалари ва шахслараро мулоқот (хусусан, фаол эшитиш кўникмаси, умумий фикрни ва пайдо бўлаётган келишмовчиликларни ҳал қилиш)нинг амалий томонини ривожлантиришга имкон беради. Бунинг ҳаммаси одатда катта жамоада ишлаганда бу имкониятлар бўлмайди. Кичик гуруҳда ишлаш, масалан мозаика, дебатлар, жамоатчилик тингловлари, имитацияларнинг барча турлари ва бошқалар каби кўпгина интерфаол усулларнинг ажралмас қисмидир.

Кичик гуруҳда ишлашни ташкил этишда қуйидаги жиҳатларига диққатни қаратиш лозим бўлади. Талабалар гуруҳ топшириқларини бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эгаллигига ишонч ҳосил қилиш керак. Билимларнинг етишмаслиги жуда тезда ўзини салбий натижасини билдиради, талабалар топшириқни бажариш учун ҳаракат қилмай кўяди. Кичик гуруҳга берилаётган топшириқлар имкони борича аниқроқ бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳнинг биттадан ортиқ ёки иккита топшириқни, жуда аниқ бўлса ҳам, идрок этиш эҳтимоли кам, шунинг учун топшириқларни доскада ва (ёки) карточкаларда ёзиб кўйиш мақсадга мувофиқ. Гуруҳга топшириқни бажариш учун етарли вақт бериш керак.

## ХУЛОСА

Мазкур мақолада таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг муҳимлиги ва самарадорлиги чуқур таҳлил қилинган. Замонавий педагогик технологиялар, айниқса интерфаол усуллар, талабаларнинг ўқув ва ижодий фаоллигини оширишда катта аҳамиятга эга экани аниқланди. Булар билимларни чуқур ва мустақам ўзлаштириш, кўникмаларни ривожлантириш ва таълим жараёни самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ижодий топшириқлар ва кичик гуруҳларда ишлаш каби методлар ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятини ва ижодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Шу тариқа, замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш талабаларнинг билим ва кўникмаларини мустақамлашга ва уларни мустақил ва ижодий фикрлайдиган шахслар сифатида шакллантиришга катта ҳисса қўшади.

## АВТОРЛАР:

1. Р. Карникау (R. Karnikau) — интерфаол методларнинг психологик асослари бўйича тадқиқотларни амалга оширган америкалик олим.
2. Ф. Макэлроу (F. McElrow) — таълимда ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамиятини таҳлил қилган мутахассис.
3. В.В. Гусев — замонавий педагогик технологияларнинг классификацияси ва амалиётига оид ишлар муаллифи.
4. М.Н. Скаткин (анъанавий ва инновацион усулларни синтезлаш)
5. Г.К. Селевко (педагогик технологияларнинг 100+ моделлари)
6. Д. Джонсон (кичик гуруҳларда ишлашнинг назарияси)
7. Л.С. Выготский (ижтимоий-мадний ёндашувлар)
8. А.С. Макаренко (коллективда ижодий фаолликни шакллантириш)
9. David W. Johnson va Roger T. Johnson "Learning Together and Alone: Cooperative, Competitive, and Individualistic Learning" (1994) "Cooperation: The Key to Teamwork" (1998)
10. Lev Vygotsky "Mind in Society: The Development of Higher Psychological Processes" (1978) "Thought and Language" (1986)
11. Jean Piaget "The Psychology of Intelligence" (1950) "The Origins of Intelligence in Children" (1952)
12. B.F. Skinner "Walden Two" (1948) "Beyond Freedom and Dignity" (1971) "The Behavior of Organisms" (1938)